


ФИРИБАРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТАВСИФИ ВА УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ



Шодмонов Убайдулло Турахўжаевич
Ўзбекистон Республикаси ИИВ кадемияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва
криминология кафедраси катта ўқитувчиси
Иzzатиллаев Миржалол Одилжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ кадемияси
3 ўқув курс 309 гурӯҳ курсанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф фирибагарлик жиноятининг тушунчасини, унинг жиноий ҳуқуқий таҳлилини, фирибагарликнинг умумий профилактикаси бўйича адабиётларда келтирилган жумлаларни ёритиб, қонун хужжатларда мавзуга алоқадор моддаларни кўрсатиб таҳлил қилган

Калит сўзлар: фирибагарлик, мулкий турдаги жиноятлар, ўғрилик, комплекс механизациялаш, криминологик таҳлил.

АННОТАЦИЯ

В данной статье автор проливает свет на понятие преступления мошенничества, его уголовно-правовой анализ, приговоры, представленные в литературе по общей профилактике мошенничества, а также анализирует относящиеся к теме статьи в юридических документах.

Ключевые слова: мошенничество, имущественные преступления, кража, комплексная механизация, криминологический анализ.

ANNOTATION

Through this article, the author sheds light on the concept of the crime of fraud, its criminal legal analysis, the sentences presented in the literature on the general prevention of fraud, and analyzes the articles related to the topic in the legal documents.

Key words: fraud, property crimes, theft, complex mechanization, criminological analysis.

Бугунги кунда ички ишлар органлари зиммасига юклатилган барча функцияларни самарали бажариш ҳар томонлама худудда криминоген вазиятни ўрганишни, таҳлил қилиб боришни талаб киласди. Шундай экан, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда энг аввало маҳаллада яшовчи, ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахсларнинг турмуш тарзини, мавжуд муаммоларни ўрганиши зарур. Ушбу тоифадаги шахсларнинг муаммоларини

Хуқуқбазарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи тегишли идоралар билан ҳамкорликда бартараф этиш ҳамда хуқукий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам күрсатишига, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришига қаратилған чора-тадбирларни амалга ошириши керак. Шу ўринда айтиш мүмкінки бугунги қунда мамалакатимизда айрим жиноят турларининг сифат ва миқдор күрсаткичлари ортиб бормоқда. Жумладан Фирибгарлик жирояти содир этилиши бўйича жиноятчилик статистикасида асосий ўринларни эгалламоқда. Фирибгарлик деганда ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган хуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишида ифодаланиб, бунинг таъсирида мулқдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган хуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган хукуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради¹. Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулқдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиширишига қаратилған қасдан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиширишига олиб келиши мүмкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида күрсатиши) тааллукли бўлиши мүмкин. Фирибгарликда жабрланувчини янглиширишига қаратилған қасдан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталашибориши, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. киради.

Фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиши деганда, айбдорнинг мулқдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишига ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим². Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруглик муносабатлари сабаб бўлиши мүмкин.

Профилактика инспекторининг фирибгарлик жиноятини олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш, ушбу жиноий ҳодиса кеириб чиқарувчи сабабларни ўрганишни, криминологик тавсифлашни тақазо этади. Криминологик тавсиф деганда, муайян турдаги жиноят (жиноятлар гурухи), ёки конкрет, ўта хавфли қилмишни олдини олишда фойдаланилиши мүмкин бўлган, унинг ҳақидаги мавжуд маълумотлар

¹ Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида олий суд пленуми қарори манбаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/docs/-3399888>

² <https://lex.uz/uz/>

йифиндиси тушунилади.³ Криминологик таҳлил ўғирликлар ва фирибгарлик каби жиноятларнини олдини олишни самарали амалга ошириш имконини беради. Ўйлашимча, бугунги кунда ўғирлик ва фирибгарлик жиноятларини жаҳон миқёсида ривожлантириш йўналишларига дикқат қилиш, Ўзбекистон Республикасида ва унга туташ давлатларда қайд қилинаётган жиноятчилик тизимида ўғирлик ва фирибгарликнинг ўрнини тахлил қилиш лозим. Ўзганинг мулкига бўлган хуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, айборда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайтдан (масалан, кўчмас мулкка нисбатан мулк хуқуки ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олинниши шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан хуқуқ рўйхатга олинган пайтдан; шартнома тузилган вақтдан; мулкка нисбатан шахснинг хуқуқи тан олинган суд қарори кучга кирган кундан; ваколатли давлат органи айборда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган кундан) тугалланган ҳисобланади.

Профилактика инспектори фирибгарлик жиноятининг умумий профилактикасини 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (З-боб) талаблари асосида амалга оширади; жумладан, оммавий ахборот воситаларида чиқишлилар қилиш, жойларда кенг жамоатчилик ўртасида маърузалар ўқиш, давра сухбатлари, учрашувлар ташкил этиш, ахоли гавжум жойларда хуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видеороликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақиравчи овозли матнни эшиттириш ва бошқа бир қатор усувлар ўрқали амалга оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2014 йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги қонун. Манбаа: Lex.uz.сайти: <https://lex.uz/acts/-2387357>
2. Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўкув қўлланма С.Б Хўжақулов Тошкент 2017. 5-бет
3. Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилк ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида 30.04.1999 йилдаги Олий суд пленум қарори Манбаа Lex.uz сайти: <https://lex.uz/docs/-1448644>
4. Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида олий суд пленуми қарори манбаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/docs/-3399888>

³ Криминология. –М.,1997.–Б.2.